

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАДИЁРОВ БАХТИЁР ТАШПУЛОТОВИЧ

**АЙРИСИМОН БЕЗ ЎСМАЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШДА
МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мадиев Бахтиёр Ташпулотович

Айрисимон без ўсмаларини жарроҳлик даволашда миниинвазив технологиялар..... 3

Мадиев Бахтиёр Ташпулотович

Миниинвазивные технологии в хирургическом лечении опухолей вилочковой железы..... 19

Madiyurov Bakhtiyor Tashpulotovich

Minimally invasive technologies in the surgical treatment of thymic tumors..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАДИЁРОВ БАХТИЁР ТАШПУЛОТОВИЧ

**АЙРИСИМОН БЕЗ ЎСМАЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШДА
МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Tib206 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кротов Николай Фёдорович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джураев Миржалол Дехканович тиббиёт фанлари доктори, профессор Хакимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«С.М. Киров номидаги Харбий тиббий академияси» ФБХТОТМ, Санкт-Петербург ш., Россия Федерацияси

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (55-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ҳар йили 14 миллиондан ортиқ янги саратон ҳолатлари аниқланади ва бу касалликдан 8 миллион ўлим рўйхатга олинади¹. Замонавий жамиятда юқори тиббий-ижтимоий муҳимлиги нафақат ушбу касалликнинг кенг тарқалганлиги, балки аҳолининг меҳнаткаш қатламини кўпроқ ногиронлаштириши туфайли кескин иқтисодий талофати билан белгиланади. Кўкс оралиғи, хусусан, айрисимон беzi ўсмаси (АБЎ) – замонавий онкологиянинг муҳим муаммоларидан биридир. «АБЎ кечишининг прогнозлашга таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири, тўлиқ ва замонавий ташхислаш, хусусан, ўсма жараёнининг эрта босқичларида»². Айни дамда, бу соҳа ўсмаларининг хусусиятларидан бири - патогномик клиник белгиларнинг йуклиги. Шундай қилиб, АБЎнинг 30%и асимптоматик бўлиши мумкин ва у мунтазам текширув вақтида ёки кўкрак кафаси аъзоларининг бошқа касалликлари туфайли текширув вақтида аниқланади. Маҳаллий белгилар намоён бўлиши, маҳаллий тарқалиш жараёнининг мавжудлиги билан тавсифланади (40% ҳолларда). Шу муносабат билан, ихтисослаштирилган муассасаларга мурожаат қилувчи беморларнинг $\frac{3}{4}$ қисми касалликнинг III-IV босқичларида мурожаат қилишади. Замонавий онкологиянинг ютуқларига ва янги технологияларнинг қўлланилишига қарамасдан, ушбу патологияда ўтонқираган босқичлар учраши, асорат ва ўлим ҳолатлари фоизида пасайиш кузатилмаяпти ва юқори бўлиб қолмоқда. Жараён босқичига боғлиқ равишдаги муайян бир даволаш тактикаси мавжуд эмас.

Жаҳон амалиётида бугунги кунда айрисимон без ҳосилаларининг морфологик структураси, тимус гипертрофияси, атрофияси ва ўсмали трансформациясини, антиген оксиллар тузилишини ўрганишга қаратилган кўплаб рандомизацияланган тадқиқотлар ўтказиб борилмоқда. Айрисимон без ўсмаларини гистологик баҳолашнинг морфологик мезонларининг етарлича маълумот бермаслиги, ўсма хужайраларининг пролифератив фаолиги ва анаплазияси даражасини аниқлаш имконини берувчи, уларни аниқлаш комплекс даволашнинг турли усуллари фонида яшаб қолиш кўрсаткичлари жиҳатдан прогностик аҳамиятни анчагина оширувчи, хужайра пролиферацияси, генлар экспрессияси, ўсма ангиогенези супрессори сифатида таъсир этувчи омиллар ва ўсманинг гистологик типлари идентификациясига асосланган уларни дифференциаллашнинг бошқа усуллари кидиришни тақозо этган. Тимоманинг бошқа турли систем синдромлар, хусусан, ўзаро боғлиқликнинг молекуляр асослари ҳозирги вақтгача тушунарсиз бўлиб қолаётган миастения билан бирга учраши тадқиқотнинг яна бир долзарб йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, амалий онкология нуктаи назаридан радикалликнинг барча принципларини ҳисобга олган ҳолда АБЎни хирургик даволашнинг

¹World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

²Борисова Т.Н., Бредер В.В., Горбунова В.А. и соавт. Клинические рекомендации по диагностике и лечению больных опухолями средостения и вилочковой железы. 2014. Проект. стр. 15.

миниинвазив усуллари ишлаб чиқиш масалаларини ажратиш лозим.

Маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимининг ҳозирги босқичида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва қамровини сезиларли кенгайтиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, айрисимон беи ўсмаларини диагностикаси сифатини ва даволаш натижаларини яхшилашда бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Шу билан биргаликда, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун айрисимон беи ўсмалари диагностикаси ва хирургик давосида янги усуллар самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий асосланган натижалар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, бу патология билан касалланган беморларни хирургик йўли билан даволашнинг минимал инвазив усуллари ишлаб чиқишни такомиллаштириш долзарб йўналишлардан биридир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. АБЎ – барча онкологик касалликларнинг 3-7%ни, медиастинал ўсмаларнинг 10-20%ни ва олдинги кўкс оралиғи ҳосилаларининг 47%ни ташкил этади. Dettterbeck F.C.⁴ маълумотларига кўра, АҚШда тимомаларнинг учраш кўрсаткичи йилига 100 минг аҳолига 0,15 та ҳолатни ташкил этади. Касалланиш чўққиси 35-70 ёшлар оралиғига тўғри келади. Жинслар бўйича тафовут яққол ифодаланмаган, аммо аёлларда мойиллик бироз кўпаймоқда. Метастазланишга қўшимча равишда хасталикнинг асосий хавфлилик белгиси – кўкрак қафаси аъзолари ва тўқималарига кириб бориши, яъни ўсимтанинг капсуладан ташқарига чиқишидир. Олиб ташланган ўсмани мукамал

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги УП 4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

⁴ Dettterbeck F.C., Ahmad Zeeshan. Thymoma: current diagnosis and treatment. Chin Med J 2013. 126 (11). pp.2186-2191. DOI: 10.3760/cma.j.issn.0366-6999.20130177.

гистологик текширилганда инфилтратив ўсиш аниқланади. Инфилтратив ўсиш бўлмаса, яхши сифатли ҳисоблаш мумкин, аммо ўсманинг қайталаниш эҳтимоли истисно қилинмайди. Касаллик миастеник синдром билан кечган беморлар асосий гуруҳда нисбатан ёш, уларнинг ўртача ёши 30 ёшни ташкил этади. АБЎсини ўз вақтида даволанишга, фақат эрта ташхис қўйиш ва миниинвазив технологияларни жорий этиш орқали эришиш мумкин. Шундай қилиб, О.А. Александрованинг фикрича, «АБЎнинг замонавий диагностикаси қон томирга контраст юбориб бажарилган КТ асосида мужассам бўлади. Агар КТ маълумотларига кўра, ташхис қўйишнинг имкони бўлмаса, трансторакал биопсия, у ҳам самара бермаганда видеоторакоскопик биопсия қўлланилади»⁵. Лекин, адекват эрта ташхис қўйиш учун юқори технологик асбоб-ускуналарга эга бўлиш керак, бу одатда, фақат ихтисослаштирилган клиникаларда мавжуддир.

Кенг доирадаги тадқиқотларга қарамай, трансторакал пункцион биопсиянинг ўрни етарлича ўрганилмаганлиги, қисқа вақт ичида морфологик диагностикани амалга ошириш ва адекват даволаниш имконини берувчи клиник диагностика алгоритми ишлаб чиқилмаган. Ruffini E.⁶ нинг фикрига кўра, «АБЎда консерватив даволанишнинг самарасизлиги, касалликнинг ёмон оқибати, жарроҳлик усулларнинг даволашда этакчи ёндошув сифатида қўллашга имкон яратади». Жарроҳлик усул ушбу тоифадаги беморларни даволашда «олтин стандарт»дир. Амалиётларнинг радикаллиги – прогнознинг энг муҳим омилидир. Сўнгги 10 йилликда турли соҳа ўсимталарини жарроҳлик даволашда миниинвазив усулларни жорий этиш давом этмоқда. Бугунги кунда онкожарроҳларнинг кенгайтирилган тимэктомия ҳақидаги фикри фарқ қилмоқда, баъзилари жароҳат ва оғрикни камайтирадиган миниинвазив усулларни, бошқалари эса, кенгайтирилган жарроҳлик амалиётини ўтказиш мақсадида очик усулларни маъқуллайди. Toker A.⁷ таъкидлашича, онкологиянинг абластика ва антибластика тамойилларига риоя қилинганда, биринчи ва иккинчи босқичларда миниинвазив тимэктомия тавсия этилади; агар юқори ковак венаси, аорта ва унинг тармоқлари, ўпка резекция қилиниши режалаштирилганда, очик амалиётдан фойдаланиш тавсия этилган. Бироқ ўтказилган ретроспектив текширувлар миниинвазив ва очик тимэктомиянинг узоқ муддатли натижалари бир-бирига ўхшашлигини кўрсатади, аммо «очик» амалиётдан кейинги дастлабки даврда асоратлар кўпроқ учрайди (Huang J⁸).

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда АБЎ даволаш ва диагностика тактикаси замонавий онкологиянинг энг долзарб ва

⁵ Александров О.А., Рябов А.Б., Пикин О.В. Тимома (Обзор литературы). Сибирский онкологический журнал. 2017; 16 (4): 76–83. – DOI: 10.21294/1814-4861-2017-16-4-76-83.

⁶ Ruffini E, Detterbeck F, Van Raemdonck D, et al.; European Association of Thoracic Surgeons (ESTS) Thymic Working Group. Tumours of the thymus: A cohort study of prognostic factors from the European Society of Thoracic Surgeons database. Eur J Cardiothorac Surg 2014.46. pp.361–368.

⁷ Toker A., Sonett J., Zielinski M., Rea F., Tomulescu V., Detterbeck F. Standard terms, definitions, and policies for minimally invasive resection of thymoma. J Thorac Oncol 2011.6 (7 Suppl 3). pp.S1739-S1742.

⁸ Huang J, Ahmad U, Antonicelli A, et al; The International Thymic Malignancy Group International Database Committee and Contributors. Development of the international thymic malignancy Interest Group International Database: An Unprecedented Resource for the Study of a Rare Group of Tumors. J Thorac Oncol 2014.9. pp.1573–1578.

ҳал қилинмаган муаммоларидан биридир. Беморнинг ёшени, миастения ва касалликнинг босқичи ҳисобга олган ҳолда, қониқарсиз натижаларнинг муҳим қисми, даволашнинг оптимал усулини танлашнинг етишмовчилиги сабаблидир, бу эса ушбу соҳада келгусида тадқиқотлар олиб боришга ундайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказидаги илмий-тадқиқотлар доирасида қуйидаги мавзуда бажарилган: АДСС-9.2 «Кўкрак қафаси, қорин парда орти ва кичик тос бўшлиғи ноорган ўсмаларида диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш» (2012-2014й).

Тадқиқотнинг мақсади миниинвазив технологияларни қўллаш йўли билан айрисимон без ўсмаларининг ташхислаш ва жарроҳлик усулда даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

айрисимон беzi ўсмасида трансторакал биопсия ва диагностик торакоскопия имкониятларини ўрганиш;

айрисимон беzi ўсмасида миниинвазив тимэктомиялар натижалари ва самарадорлигини баҳолаш, ундан фойдаланиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

узоқ муддатли натижаларни ўрганиш орқали тавсия этилаётган диагностик ва жарроҳлик даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш;

айрисимон без ўсмаларининг клиник ва морфологик хусусиятларининг даволанишнинг узоқ муддатли натижаларига таъсирини ўрганиш;

кўкс оралиғи ўсмаларини ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2001-2016 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган 170 нафар АБЎ билан касалланган беморлар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб пункцион биопсия, диагностик торакоскопия, шунингдек жарроҳлик даволаш, хусусан, миниинвазив тимэктомии (МИТЭ) ва комплекс даволаш натижалари таҳлили хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: клиник, инструментал, морфологик ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

диагностик торакоскопия ўтказишнинг хусусиятларига ва унинг тимомани босқичи, ўсма жараёнининг тарқалганлик даражаси ва резекция қилиш имкониятини объектив баҳолашда верификацион устунлиқлиги исботланган;

айрисимон безнинг ўсмалари морфологик верификациясида трансторакал пункцион биопсиянинг сезгирлиги, спецификлиги ва маълумот бериши аниқланган;

ўсма жараёнининг T1N0M0 ва T2N0M0 босқичларида миниинвазив

тимэктомиянинг абластика ва антибластиканинг асосий принципларига жавоб бериши ва яшаб қолиш кўрсаткичлари 100 ва 95% бўлган радикал хусусиятга эгаллиги исботланган;

узоқ метастазланиш идентификациясини ҳисобга олган ҳолда ўсма жараёнининг босқичи ва тарқалганлигига боғлиқ равишда айрисимон без ўсмаларини комплекс даволашнинг мезонлари аниқлаган;

айрисимон без ҳавфли ўсмаларининг дифференциаллашган гистологик типининг умумий яшаб қолиш кўрсаткичларига таъсирининг кучли корреляцион боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АБЎда трансторакал пункцион биопсия (ТТБ) ингичка игнали аспирацион биопсияга (ИИАБ) нисбатан солиштирганда кўпроқ сезгир ва ўзига хос усул эканлигига аниқлик киритилган;

амалиётдан кейинги асоратлар частотасини камайтириш, ўрин-кунларни қисқартириш, ҳаёт сифатини яхшилаш билан бирга даволаш ҳаражатларини камайтириш имконини берувчи, тимус бези ўсмаларини ташхислаш ва даволашнинг миниинвазив усулларининг қўлланиши асослаб берилган;

айрисимон бези ўсмаси бўлган беморларнинг умумий ҳаёт кўрсаткичини узайтириш имконини берувчи комплекс даволанишнинг консерватив даволашга нисбатан афзалликлари исботланган;

кўкс оралиғи ўсмалари билан беморларда диагностик қидирувни қисқартириш ва даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини берувчи клиник-диагностик алгоритм, ҳамда ташхислаш ва даволаш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморларнинг ҳолатини баҳолашда диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндошув ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш, объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган. Статистик ишлов бериш натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан аниқланадики, олинган хулоса ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, улар тимус ўсмаларини ташхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Жараённинг босқичига ва кимётерапия самарадорлигига кўра, тимус ўсмаларини ташхислаш ва даволашда комплекс ёндашув ишлаб чиқилган. Биринчи ва иккинчи босқичларда миниинвазив тадбирларни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари талабалар, клиник ординаторлар, магистр ва курсантлар учун АБЎни ташхислаш, хирургик ва комплекс даволашга тегишли ўқув дастурининг таркиби ва тузилмасини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, ишлаб чиқилган алгоритм ташхислаш сифатини ошириш ва даволаш усулини танлашни оптималлаштириш имконини берган. Маҳаллий тарқалган босқичларда даволашнинг кўшма усулларини жорий қилиш консерватив даволаш усулларига нисбатан умумий ҳаёт давомийлиги кўрсаткичини узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Айрисимон беги ўсмасининг ташхиси ва даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тимус ўсмасини ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашни такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16-майдаги 8н-103-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш, ўртача амалиёт ичи қон кетишларини ишончли тарзда $186,32 \pm 32,8$ мл дан $94,2 \pm 20,6$ мл гача камайтириш ва плевра бўшлиғини дренажлаш давомийлигини $4,5 \pm 0,5$ кундан $2,5 \pm 0,8$ кунгача камайтириш имконини берган;

«Кўкс оралиғи ўсмаларини ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш учун дастур» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16-майдаги 8н-103-сон маълумотномаси). Клиник ташхислаш алгоритмидан фойдаланиш ҳар бир алоҳида ҳолатда оптимал даволаш усулларини танлаш имконини берди;

Айрисимон беги ўсмасининг диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази торакал онкохирургия бўлимида, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоят филиаллари торакоабдоминал хирургия бўлимлари амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 16-майдаги 8 н-д/103-сон маълумотномаси). Тадқиқотдан олинган натижалар асосида қилинган таклифлар АБЎли беморларда ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам турини кенгайтириш, шунингдек даволаш сифати ва яхши натижалар частотасини 82,7 дан 96,8% гача, шифохонада ётиш муддатини $16,2 \pm 2,8$ кундан $10,4 \pm 3,2$ кунгача қисқартириш, шу билан даволаш ҳаражатларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган, шу жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 5 та мақола, улардан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети характерланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиш устувор йуналишларига мувофиқлиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, нашрлар ва диссертациянинг қисқача шакли ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Айрисимон без ўсмаларининг диагностикаси ва даволашнинг замонавий имкониятлари**», деб номланган биринчи боби анатомия, этиология, замонавий диагностика усуллари, морфологик ва касаллик босқичлари таснифига бағишланган адабиётлар таҳлиliga бағишланган Гистологик типлари ёритилган. Жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш усуллари, МИТЭ га замонавий қарашлар, даволашнинг бевосита ва узоқ натижалари мукамал келтирилган. Жараён босқичига, жарроҳлик тактикаси, комплекс даволаш принциплари билан боғлиқ бир қатор мунозарали ва ечими топилмаган масалалар аниқланган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифи ва қўлланган текширув усуллари**», деб номланган иккинчи бобида текширувдан ўтказилган беморларнинг умумий хусусиятлари, ҳамда қўлланилган текширув усуллари ҳақида маълумот келтирилган.

Ушбу тадқиқотда ЎзР ССВ РИОваРИАТМ торакал онкохирургияси, болалар онкологияси ва кимётерапия клиник бўлимларида 2001-2016 йиллар мобайнида жарроҳлик, комплекс, комбинацияланган ва консерватив усулларда даволанган 170 АБЎ си аниқланган беморларнинг даволаш натижалари келтирилган.

Текширилган 170 беморлардан: 97 (57,1%) эркаклар, 73 (42,9%) - аёллар. Ёш жиҳатдан беморлар қуйидагича тақсимланган: 9 дан 75 ёшгача: 19 ёшгача – 13 (7,64%); 19-44 ёш – 112 (65,88%), 45-59 ёш – 32 (18,82%), 60-75 ёш – 13 (7,64%). 107 (62,94%) беморларда амалиёт бажарилган, 63 (37,05%) да консерватив: кимёно терапия.

Жарроҳлик, комплекс ва консерватив даволаш усулларига қараб, 170 беморлар маълумотлари гуруҳларга бўлинган, улар эса жинс, ёш, ёндош касалликларга кўра мутаносиб бўлган ($p>0.05$).

Асосий гуруҳни миниинвазив усулда амалиёт бажарилган 15 та бемор, назорат гуруҳини очиқ усулда тимэктомия қилинган 15 бемор ташкил этган, уларда бевосита ва узоқ натижалар ўрганилган. Комплекс (асосий) ва консерватив (назорат гуруҳи) даволашнинг узоқ натижаларни баҳолаш мақсадида беморлар икки гуруҳга: биринчи гуруҳни – 30 (17,64%), иккинчисини – 57 (33,52%) бемор ташкил этган. Узоқ метастазлар бўлган беморларни даволаш натижалари, солиштирма гуруҳга (консерватив даволаш гуруҳига) киритилмаган.

Диссертациянинг «**Айрисимон без ўсмаларининг жарроҳлик даволашда замонавий диагностика усуллари**», деб номланган учинчи бобида морфологик тасдиқлашнинг асосий усуллари келтирилган. Қўлланилган инвазив усуллар: пункцион биопсия ва диагностика торакоскопия таҳлил қилинган.

82 та (48,23%) беморга трансторакал пункцион ва ингичка игнали аспирацион биопсия бажарилган. УТДГ назоратидаги биопсия 76 (92,69%), КТ-назоратидаги биопсия 6 (7,31%) беморда қўлланилган.

Гистологик текширув учун морфологик материал 78 (95,12%) ҳолатда олинган, 4 (4,87%) ҳолатда цитологик текширув ўтказилган. ТТБ да олинган

материалдан, якуний гистологик ташхис 57 (87,69%), қолган 8 (12,30%) ҳолатда биоптатларда хавфли атипик хужайра ва тўқима аниқланмаган (1-жад).

1 жадвал

Пункцион биопсия самарадорлиг кўрсаткичлари

Самарадорлик	Беморлар сони (%)	
	ТТБ (n-65)	ИИАБ (n-17)
Сезгирлик	87,7%	76,5%
Спецификлик	93,3%	91,3%
Информативлик (аниқлик)	86,8%	82,6%

Трансторакал пункцион ва ингичка игнали аспирацион биопсия натижаларини солиштира таҳлили шуни кўрсатдики, АБЎ да трансторакал пункцион биопсия сезгирлиги, ингичка игнали аспирацион биопсияга нисбатан юқори бўлган. Жараённи пункцион биопсия билан аниқлашнинг имкони бўлмаганда ёки муолажани ўтказишда асоратлар хавфи юқори бўлганда, кенгайтирилган тимэктомия бажариш эҳтимоли бор ҳолатларда, шубҳасиз устунлик бериладиган ва танланган усул бу диагностик видеоторакоскопия ҳисобланади.

АБЎ да 58 та беморда видеоторакоскопик амалиётлар амалга оширилган. Эркалар - 27 (46,55%), аёллар - 31 (53,45%). Беморларнинг ёши 12 дан 75 ёшгача бўлган, ўртача ёш $38,46 \pm 12,1$ йилни ташкил қилган. 28 (48,27%) ҳолатда амалиёт ўнг томонда, 30 (51,73%) ҳолатда чапда бажарилган (2-жад.).

ДТ юқори информативлик ва сезгирлик кўрсатиб (100% ҳолатда морфологик натижа олинган), амалиётдан кейин 3-4 кунларда ўсмага қарши махсус даво бошлаш, беморларда асоратлар учрашини минималлиги ва эрта тикланиш имконини беради.

2-жадвал

АБЎ видеоторакоскопик биопсия ўтказиш кўрсаткичи

Кўрсаткичлар	n=26 (абс)	%
Эркак	16	61,53%
Аёл	10	38,46%
Унг томонлама	13	50%
Чап томонлама	13	50%
ТТБ дан кейин ДТ	5	19,23%
ИИАБ дан кейин ДТ	2	7,69%
Амалиётнинг ўртача давомийлиги, мин	$19 \pm 6,8$ мин (15 дан 35гача)	–
Амалиёт ичи қон кетиши, мл	$50 \pm 16,8$ мл (35 дан 90гача)	–
Ўртача дренажлаш давомийлиги, кунлар	$1,8 \pm 1,2$ кун (1 дан 3гача)	–
Конверсия	2	7,69%

Диссертациянинг «**Айрисимон беги ўсмалари бўлган беморларни жарроҳлик ва комплекс даволаш натижалари**», деб номланган тўртинчи боби МИТЭ нинг асосий тамойилларига бағишланган бўлиб, яқин ва узок натижалари «очик» амалиётлар билан солиштира ўрганилган. Жами 170 (100%) беморларнинг 107 (62,94%) қисмига турли хил жарроҳлик амалиётлари бажарилган. Амалиётлар активлиги 63,5% ни ташкил этди.

Тимэктомия 15 (18,51%) ҳолатда МИТЭ, 18 (23,17%) та ён томонлама торакотомия орқали (10 (55,55%)–ўнгда, 8 (44,44%)–чапда) ва 13 (16,04%) ҳолатда стернотомия орқали бажарилган. Жараённинг IV босқичида бўлган 2 (2,46%) беморда жарроҳлик амалиёти эксплоратив стернотомия билан яқунланган. Бир беморда (1,23%) касалликнинг биринчи босқичида тарқалган миастения бульбар симптомлар клиник белгилар билан ифодаланганлиги сабабли трахеостомия қилинган. Амалиётдан кейинги ўлим кўрсаткичи 1,3%ни ташкил этган.

МИТЭ ни бажаришга қуйидагилар кўрсатма бўлган: жараённинг биринчи (T1N0M0) - 7 (46,66%) ва иккинчи (T2N0M0) - 8 (53,33%) босқичлари, ўсма ўлчами 6 см. гача, атроф тўқима ва аъзоларларга ўсиш белгилари мавжуд эмаслиги, бир ўпка вентиляциясини кўллаш имконияти борлиги, чандикли жараённинг мавжуд эмаслиги, беморга функционал жиҳатдан амалиёт қилиш имконияти (3-жад.).

МИТЭ учун ёнбош бир томонлама видеоторакоскопик тимэктомиядан фойдаланилган. 15 МИТЭ дан 4 (26,66%) ҳолатда ўнг томонлама, 11 (73,33%) ҳолатда чап томонлама бажарилган. Ўрганилаётган гуруҳларда турли туманликни истисно қилиш учун беморларда жинс, ёш, ўсимта катталиги, гистологик тури ва миастениянинг кечиш оғирлиги кўра псевдорандомизация ўтказилган. Таққосланаётган гуруҳлар етарли бир хил бўлган, чунки ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланмаган ($p=0.202856$). Шундай қилиб, турли усулларда даволаш натижаларини таққослаш тўғри бўлган.

3-жадвал

Текширув кўрсаткичларига мос равишда асосий ва назорат гуруҳларини солиштириш

Кўрсаткичлар	Бажарилган амалиётлар хусусияти	
	МИТЭ	«Очиқ» тимэктомия
Эркаклар	4 (26,6%)	10 (66,6%)
Аёллар	11 (73,3%)	5 (16,6%)
Ўртача ёш (йил)*	35,53±9,08	39,14±11,08
T1 (I босқич)*	9 (60%)	9 (60%)
T2 (II босқич)*	6 (40%)	6 (40%)
Миастения*	8 (53,33%)	8 (53,33%)
Ўнг томонлама	4 (26,66%)	5 (83,33%)**
Чап томонлама	11 (73,33%)	1 (16,66%)**
Торакотомия	–	6 (40%)
Стернотомия	–	9 (60%)
Жами	15 (100%)	15 (100%)

*асосий текширилган кўрсаткичлар орасида статистик фарқ аниқланмаган $p=0.802947$ ва $p=0.285784$; ** торакотомия билан бажарилган тимэктомиялар.

Амалиётнинг характерли хусусиятларини қиёсий баҳолаш учун амалиётнинг давомийлиги, дренажлаш давомийлик муддати, умумий қон йўқотиш ҳажми, амалиётдан кейинги оғриқ интенсивлиги (визуал-аналог шкаласида), эрта асоратларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, реанимация ва интенсив даволаниш бўлимида ўтказилган муддат каби кўрсаткичлар бўйича

амалга оширилди. Миастеник синдромли беморларда - миастеник кризис учраш частотасини. Узоқ муддатда: амалиётдан кейин қайталаниш вақти ва жарроҳлик ёндошувига боғлиқ равишда умумий ҳаёт давомийлик фоизи (4-жад).

4 -жадвал

Амалиётларнинг травматиклигининг таҳлили ($M \pm \delta$)

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=15)	Назорат гуруҳи (n=15)	P
Амалиёт давомийлиги (мин.)	106,5±21,3	96,2±27,8	p=0.770929
Дренажлаш (кун)	2,5±0,8	4,5±0,5	p=0.038372
Экссудация (мл)	350,12±32,36	662,7±64,65	p=0.000187
Реанимацияда бўлиш давомийлиги, кунлар	1,1±0,3	2,6±0,6	p=0.033809
Умумий қон йўқотиш (мл)	94,2±20,6	186,32±32,8	p=0.024726
Наркотик анальгетикларни қўллаш давомийлиги (кун)	1,6±0,3	2,8±0,5	p=0.049364
Амалиётдан кейинги оғриқ шкаласи, балл	1,8±0,8	5,8±0,6	p=0.000443
Беморларнинг шифохонада бўлиш ўртача давомийлиги, ётоқ- кун	10,4±1,4	16,2±1,8	p=0.017015

АБЎ сининг жарроҳлик йўли билан даволанишида асоратлар ва ўлимлар бевосита амалга ошириладиган амалиёт турига боғлиқ. Амалиётдан кейинги асоратлар сони ва таркиби сезиларли даражада фарқ қилмади (5-жад.).

5-жадвал

Тимэктомия амалиётидан кейинги асоратлар*

Асоратлар	МИТЭ (n=15)	Очиқ усул (n=15)
Реактив плеврит	2 (13,33%)	3 (20%)
Лимфорея	1 (6,66%)	2 (13,33%)
Миастеник криз	–	–
Юрак ритми бузилиш	1 (6,66%)	2 (13,33%)
Зотилжам	1 (6,66%)	1 (6,66%)

* $t_{\text{набл}} < t_{\text{крит}}$, белгининг ўзгариши статистик аҳамиятга эга эмас (p=0.116158)

Амалиёт бажарилган 28 беморларда 6 ойдан 10 йилгача бўлган узоқ муддат натижалари кузатилди: асосий гуруҳда 13 та ва назорат гуруҳида 15 та.

Кузатувларимиз таҳлилида, T1N0M0 ва T2N0M0 билан назоратда бўлган гуруҳларда миниинвазив ва стандарт усуллар ўзаро таққосланганда, 5 ёки 10 йиллик умумий ва қайталанишсиз ҳаёт кўрсаткичи орасида сезиларли тафовут аниқланмади.

I-II босқичларда амалиёт бажарилган беморларни гистологик типларига кўра тақсимланганда: 17 (56,66%) ҳолатда А тип, 8 та (26,66%) АВ тип ва 5 та (16,66%) ҳолатда В1 типи ташхисланган. 18 (60%) беморларда фақат жарроҳлик усулида даволаш, 12 (40%) ҳолатда кўшма ва комплекс даволаш (амалиёт + кимёнутерапия) ўтказилган. Медиастинал плеврага ўсиш белгилари мавжуд бўлганда, АВ ва В1 морфологик типлари аниқланганда комплекс терапия ўтказилади.

Беморларнинг комплекс ва комбинациялашган даволанишидан кейинги

натижаларини баҳолаш асосий гуруҳда - 30 (20,13%) ва консерватив даво - назорат гуруҳида - 119 (79,87%) ҳолатда ўтказилди. Биринчи босқичдаги беморларни комплекс даволаш билан гуруҳига киритилмади.

30 та беморда 51 та амалиёт бажарилган. II босқичли беморлар 22 (43,13%) та, III - 22 (43,13%), IV - 7 (13,73%) бўлган. Кенгайтирилган тимэктомия торакотомия орқали 16 (31,37%), стернотомия - 6 (12,76%) қилинган. 2 ҳолатда амалиёт эксплоратив стернотомия билан яқунланган.

Касалликнинг III (IIIa и IIIb) босқичлари 42 (24,7%) та ва IVa-32 (18,82%) беморларда аниқланган. 74 (43,52%) бемордан фақатгина 18 (24,32%) сида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Жараённинг резектабеллик кўрсаткичининг пастлиги кўкс оралиғи магистрал қон томирларида ўсиш белгиларининг мавжудлиги билан боғлиқ, бу эса беморларнинг ихтисослаштирилган ёрдам учун кеч муурожаат қилишлари билан изоҳланади.

18 (24,32%) беморда 29 (56,86%) жарроҳлик муолажаси амалга оширилди. Диагностик торакоскопия биринчи босқич сифатида 11 (52,38%) беморда амалга оширилди, барча ҳолатларда тимэктомия торакотомия орқали бажарилган.

Адьювант режада, асосий гуруҳдаги беморлар ҳар куни 5 кун давомида 2 Гр. дан иборат бўлган СУД-40Гр нуртерапияси, кейинчалик АДОС ёки ЕР схемасига кўра 2 дан 4 гача адьювант ПКТ курсларини ўтказилди.

Назорат гуруҳидаги 57 (100%) беморларнинг 19 (33,33%) тасида жараён видеоторакоскопик биопсия ёрдамида, қолган 36% (63,15%) ҳолатда пункцион биопсия ва 3 (5,26%) тасида лимфа тугунлари ва/ёки ўсманинг очиқ биопсияси (5,26%) йўли билан тасдиқланган. Назорат остидаги беморларда ПКТ билан даволаниш бошланган, ва узоқ метастазлар бўлмаса, нуртерапияси билан ўтказилган. 62 (36,47%) ҳолатда узоқ метастатик ўчоқларнинг мавжудлиги аниқланган.

Комплекс (1-гуруҳ) ва консерватив (2-гуруҳ) даволашдан кейин беморларда даволаниш натижалари таққослаш орқали ўрганилди.

Биринчи гуруҳда ўртача 5 йиллик умр кўриш давомийлиги 60% ни, метастазларсиз умр кўриш давомийлиги 34,5% ни ташкил этди, иккинчи гуруҳда эса умумий ҳаёт кўрсаткичи 36% ни ташкил этди. 4-босқичда 5 йиллик умумий ҳаёт кўрсаткичи 28% дан ошмади.

Даволаниш натижаларини гистологик турига кўра таҳлил қилинди. Бизнинг тадқиқотимизда қуйидаги типлар аниқланди: А типи - 17 (10%), АВ типи - 15 (8,82%), В1-В3 типи 64 (37,64%) ва С (42,35%). Жараён 168 касалда текширилди, 2 ҳолатда жарроҳлик муолажасидан воз кечиш натижасида, ташхис клиник ва инструментал маълумотлар асосида қўйилди.

Ўсманинг катта ҳажми, капсулага ўсиб кетиши ва қўшни тузилмаларга ўсиб кириши касалликнинг прогнозини ёмонлаштиради. А ва АВ гистологик типларида, ўлчамлари 6 см дан кичик ўсмаларда, ўсма капсулага ўсиб кириш белгиларининг мавжуд эмаслиги, 30 (17,64%) беморларда узоқ муддатларда ижобий натижалар кузатилди.

Ўсма тури билан умр кўриш давомийлиги орасида кучли корреляция аниқланди. Шундай қилиб, А, АВ ва В1 тип тимомаларда тахминан 95% беморлар 10 йил ва ундан кўпроқ умр кўришади. АБЎ нинг бошқа типларида, айниқса В2 ва В3 типларида, 5 йиллик умр кўриш давомийлиги 60-64% ни


ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич С тип учун сезиларли даражада ёмонлашади - 5 йилга келиб у 28%ни ташкил этади.

Минимал инвазив технологияларни асослаш ва қўллаш алгоритмини ишлаб чиқиш. Миниинвазив усуллар ташхислаш ва жарроҳлик даволаш усулларини амалиётга жорий қилиш, торакал онкохирургия ривожланишини янги босқичга олиб чиқди. Барчага маълумки, кўкс оралиғи ҳосилалари, хусусан, олдинги юқори қисми, бир хил топографик-анатомик соҳада жойлашган, келиб чиқиши ва гистологик тузилишига кўра турли хил ўсмалар ва ўсма бўлмаган табиатли касалликлар сифатида ифодаланади. Клиник белгиларга кўра ташхислаш жуда қийин. Фақат аниқ гистологик текширувдан сўнг яқуний ташхис қўйиш, кейинчалик оптимал даволаш стратегиясини танлаш мумкин.

Шу муносабат билан, ўтказилаётган тадқиқот натижаларига кўра, АБЎ ни даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини ўрганишга асосий эътибор қаратилиб, ташхислаш ва кейинчалик оптимал даволашни танлаш учун алгоритм яратилди (1-расм). Ташхис қўйиш учун қуйидагиларни таъминлаш керак: беморнинг ҳолати ҳақида маълумот тўплаш, тўпланган маълумотларнинг мантикий қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш.

Клиник ва инструментал тадқиқот усулларининг комбинацияси асосида ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми диагностик изланишларни қисқартириш, эквивалент тадқиқот усулларини такрорламаслик ва даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини беради. Олдинги кўкс оралиғи ҳосиласи аниқланганда, жараённинг тўқималар структураси текширилади, бу ерда МСКТ текширувидан кейинги асосий ўринда УТДГга туради, кейинчалик ТТБ ёки ИИАБ бажарилади. Агар ТТБ ни бажариш имкони бўлмаса, диагностик торакоскопия тавсия этилади, бу эрда жараённинг тарқалиши ва резектабеллиги аниқланади.

Диагностик алгоритмнинг амалий аҳамияти, ташхис қўйишнинг барча босқичларида шифокорнинг ҳаракатини расмийлаштириш, уларни аниқ тарзда ишлаб чиқилган тавсиялар ва қоидаларни амалга оширишга сарфлашдир. Ушбу алгоритм интеллектуал мулк агентлиги томонидан яратилган ва расман рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Кўкс оралиғи ўсмалари, хусусан АБЎ учун ишлаб чиқилган дастур ва диагностик алгоритм ташхис сифатини яхшилаш ва умумий текширув қийматини 60,2% дан 88,8% гача ошириш ($p < 0,05$), даволаш сифатини яхшилаш ва даволашнинг ижобий натижалари частотасини 84,4% дан 96,8% гача, касалхонада қолиш муддати $16,2 \pm 2,8$ дан $10,4 \pm 3,2$ кунгача ($p = 0,017015$) сезиларли даражада камайтириш имконини берди ва бу эса усулнинг иқтисодий самарадорлигини белгилайди.



1-расм. Кўкс оралиғи ўсмалари дифференциал диагностикаси алгоритми

ХУЛОСА

1. Ташхислашда миниинвазив пункцион биопсия усуллари кўллаш, морфологик ташхисни қисқа муддатларда аниқлаш ва муносиб даволашни бошлаш имконини берди. Бунда ТТБ сезгирлиги 87,7%, ИИАБ да эса 76,5%, спецификлиги ТТБ да 93,3%, ИИАБ да 91,3%, информативлиги ТТБ да 86,6%, ИИАБ да 82,6% ни ташкил этди.

2. Диагностик торакоскопия резектабеллик даражасини ва жараённинг атроф туқилма ва аъзоларга тарқалганлигини баҳолашда, морфологик материални (100%) олиш имконини берувчи, асоратларнинг минимал частотасига эга ва беморларни эрта реабилитация қилишда шубҳасиз авзалликка эга.

3. Биринчи ва иккинчи босқичда миниинвазив тимэктомияни клиник амалиётга кўллаш ишончли равишда, амалиёт ичи ўртача кон йўқотиш миқдорини ($p=0.02$) камайтириш, реанимация ва интенсив даволаш бўлимида ўртача бўлиш давомийлигини $2,6\pm 0,6$ дан $1,1\pm 0,3$ кунга ($p=0.03$) қисқартириш, наркотик анальгетиклар ишлатилиши ($p=0.02$), амалиётдан кейинги даврда плевра бўшлиғидан экссудация хажмини камайтириш ($p=0.0001$), плевра бўшлиғини дренажлаш муддатларини $2,5\pm 0,8$ кунгача қисқартириш ($p=0.04$) имконини берди.

4. T1N0M0 ва T2N0M0 босқичида миниинвазив ва стандарт усулда бажарилган кузатув гуруҳларида 5 ва 10 йиллик умумий ва қайталанишсиз ҳаёт кўрсаткичи орасида фарқ аниқланмади, ва тегишли равишда 100 ва 95% ташкил этди.

5. Комплекс даволашдан кейинги 5 йиллик ҳаёт кўрсаткичининг - 60%, консерватив даволашдан кейинги ҳаёт кўрсаткичи 36% бўлгани нисбатан ишончли тарзда ўсиши кузатилди. Узок метастазлар мавжуд бўлганда 5 йиллик умумий ҳаёт кўрсаткичи 28% дан ошмади.

6. Ўсма типлари билан ҳаёт кўрсаткичи орасида кучли корреляцион боғлиқлик аниқланган. Тимоманинг А, АВ ва В1 типларида 95% беморлар – 10 йил ва ундан ошқ яшайдилар. В2 ва В3 типларида 5-йиллик ҳаёт кўрсаткичи 60-64% даражасида бўлган. Бу кўрсаткич С типда ишончли равишда ёмонлашади - 5-йилликда 28% ни ташкил этади.

7. Ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш алгоритми, диагностик излаш вақтини қисқартириш, тенг кучли ташхислаш усуллари қайталанишини олдини олиш ва даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И
РАДИОЛОГИИ**

МАДИЁРОВ БАХТИЁР ТАШПУЛОТОВИЧ

**МИНИИНВАЗИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ХИРУРГИЧЕСКОМ
ЛЕЧЕНИИ ОПУХОЛЕЙ ВИЛОЧКОВОЙ ЖЕЛЕЗЫ**

14.00.14 – Онкология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Tib206

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Кротов Николай Фёдорович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Джураев Миржалол Дехканович**
доктор медицинских наук, профессор
Хакимов Мурод Шавкатович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **ФГБВОУВО «Военно-медицинская академия имени С.М. Кирова» г. Санкт-Петербург, Российская Федерация**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №55). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2018 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной Организации Здравоохранения «ежегодно выявляется более 14 миллионов новых случаев рака и регистрируется 8 миллионов смертей от этого заболевания»⁹. Высокая медико-социальная значимость в современном обществе определяется не только распространённостью данного заболевания, но и значительным экономическим ущербом, в связи с частым развитием инвалидизации у трудоспособного слоя населения. Опухоли средостения, в частности опухоли вилочковой железы (ОВЖ), – одна из важнейших проблем в современной онкологии. «Одним из наиболее существенных факторов, влияющих на прогноз течения ОВЖ, является полная и своевременная диагностика, особенно на ранних стадиях опухолевого процесса»¹⁰. Между тем, «одной из особенностей опухолей данной локализации является отсутствие патогномичных клинических признаков. Так, в 30% ОВЖ может быть бессимптомной, и обнаруживается при профилактическом осмотре или при обследовании по поводу других заболеваний органов грудной клетки. Проявление местных симптомов характеризуют наличие местного распространения процесса в 40% случаев. В связи с чем $\frac{3}{4}$ больных поступают в специализированные учреждения с III-IV стадиями заболевания. Несмотря на достижения современной онкологии и применение новых технологий, частота запущенных стадий, процент осложнений и летальности при данной патологии не имеют существенной тенденции к снижению и остаются высокими.

В мировой практике на сегодняшний день проводится множество рандомизированных исследований, направленных на изучение морфологической структуры новообразований вилочковой железы, строение антигенных белков при гиперплазии тимуса, атрофии и опухолевой трансформации. Недостаточная информативность морфологических критериев гистологической оценки ОВЖ обусловила поиск других методов их дифференцировки, основанных на идентификации факторов, действующих как супрессоры клеточной пролиферации, экспрессии генов, ангиогенеза опухоли и ее гистологических типов, позволяющих определить степень пролиферативной активности и анаплазии опухолевых клеток, уточнение которых существенно повысит прогностическое значение в отношении выживаемости на фоне различных способов комплексного лечения. Другим актуальным направлением является исследования по сочетанию тимомы с различными системными синдромами, в частности с миастенией, при которой молекулярные основы взаимосвязи до настоящего времени, остаются неясными. В тоже время, с точки зрения практической

⁹World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

¹⁰Борисова Т.Н., Бредер В.В., Горбунова В.А. и соавт. Клинические рекомендации по диагностике и лечению больных опухолями средостения и вилочковой железы. 2014. Проект. стр. 15.

онкологии следует выделить вопросы разработки миниинвазивных способов хирургического лечения ОВЖ с учетом всех принципов радикальности.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на улучшение результатов и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении качества диагностики и лечения больных с ОВЖ, достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для совершенствования системы оказания медицинской помощи требуется продолжение исследований в данном направлении. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи онкологическим больным и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности¹¹. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов диагностики и хирургического лечения ОВЖ путем внедрения миниинвазивных технологий, является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлениями Президента Республики Узбекистан: «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-2866 от 4 апреля 2017 года, и «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

